

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 178 «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

«Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бажариш юзасидан, ёнғинларнинг олдини олиш ва уларни ўчириш ишида фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, муҳандис-техник ходимларни, ишчи ва хизматчиларни бу ишга кенг жалб этиш, ўсиб келаётган авлодни ёнғин хавфсизлиги чораларини қўллашга ва ёнғин пайтида тўғри ҳаракат қилишга ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари тўғрисидаги маълумотларнинг зарур тарзда ҳисобга олиниши ва тизимлаштирилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ёнғин-техник комиссияларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа манфаатдор ташкилотлар аҳоли пунктлари ва объектларда кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ташкил этишда ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйишда, кўнгилли ва идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ҳисобга олишда, шунингдек умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасаларида ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйишда ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

3. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек бошқа ташкилотлар уч ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Кўнгилли ўт ўчирувчилар, ёш ўт ўчирув-

чилар дружиналари, ўт ўчириш-техника комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 1995 йил 29 июндаги 243-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 28 март,  
89-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 28 мартдаги 89-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ёнғин-техник комиссияларини ташкил этиш ва  
уларнинг фаолияти тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ ёнғин-техник комиссияларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартибини белгилайди.

2. Ёнғин-техник комиссиялари (кейинги ўринларда ЁТК деб аталади) ўта муҳим давлат аҳамиятига молик объектларда, йирик ижтимоий-маданий объектларда, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ хавфли ишлаб чиқариш объектлари жумласига киритилган, портлаш-ёнғинга хавфли муҳитни пайдо қилишга қодир бўлган моддалар ишлатиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишлов бериладиган, ҳосил қилинадиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган объектларда (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) тузилади ва фаолият кўрсатади.

3. ЁТКни тузишдан мақсад ташкилотнинг бошқарув ва муҳандис-техник ходимларини (кейинги ўринларда МТХ деб аталади) ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғинга қарши ҳимоя ишларида фаол иштирок этишга жалб қилишдан иборат.

4. ЁТК таркибига ташкилотнинг фаолияти технологик жараёнларни ташкил этиш ва амалга ошириш, электр қурилмаларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш, сув таъминоти тизими, алоқа, ишлаб чиқариш автоматикаси ва ёнғинга қарши автоматик ҳимоя билан боғлиқ бўлган бошқарув ходимлари ва МТХ вакиллари, шунингдек идоравий ёки кўнгилли ён-

ғиндан сақлаш хизмати раҳбарлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларининг ёнғин хавфсизлиги мутахассислари, касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари вакиллари киритилади.

5. Ўзининг техник хизматларига эга бўлмаган ташкилотларда ЁТК таркибига ташкилотда шартнома бўйича ишлаётган бошқа ташкилотларнинг мутахассислари киритилиши мумкин.

6. ЁТК раиси лавозимига, қоидага кўра, ташкилотнинг бош муҳандиси, котиб лавозимига эса — ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг ёнғин хавфсизлиги бўйича мутахассиси тайинланади.

7. ЁТК ташкилот раҳбарининг буйруғига асосан тузилади. Ушбу Низом асосида ташкилотнинг ЁТК тўғрисидаги Низоми ишлаб чиқилади, у ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

8. ЁТК касаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати, шунингдек Давлат ёнғин назорати органлари билан доимий алоқада бўлиши керак.

9. ЁТК ўз фаолиятида ёнғин хавфсизлиги бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатларга, Давлат ёнғин назоратининг ёзма кўрсатмаларига, ушбу Низомга, шунингдек ташкилотнинг ЁТК тўғрисидаги Низомига амал қилади.

## **II. Ёнғин-техник комиссиясининг асосий вазифалари**

10. Қуйидагилар ЁТКнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари, агрегатлар, қурилмалар, лабораториялар, устахоналар, омборлар, базалар ва бошқалардаги ёнғин, портлаш ёки аварияга олиб келиши мумкин бўлган қоида бузилишларини аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этишга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш;

ёнғин профилактикаси ишларини ташкил этиш ва амалга оширишга, ёнғин хавфсизлиги бўйича стандартлар, нормалар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини, шунингдек Давлат ёнғин назоратининг ёзма кўрсатмалари ва қарорлари бажарилишини назорат қилишда ёнғиндан сақлаш хизматларига кўмаклашиш;

ёнғин хавфсизлиги ва объектнинг ёнғинга қарши ҳимоясини яхшилаш масалалари бўйича рационализаторлик ва ихтирочилик ишларини ташкил этиш;

ишчилар, хизматчилар ва муҳандис-техник ходимлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги талабларига ва белгиланган ёнғинга қарши режимга риоя қилиш масалалари бўйича оммавий-тушунтириш ишларини олиб бориш.

## **III. Ёнғин-техник комиссиясининг функциялари**

11. Қуйидагилар ЁТКнинг асосий функциялари ҳисобланади:

ташкилотнинг тегишли бўлинмалари вакиллари билан биргаликда таш-

килотнинг ишлаб чиқариш, омборхона, маъмурий ва бошқа хизмат хоналари, бинолари, иншоотлари, жихозлари, машина ва механизмларини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан (ташкилотнинг портлаш-ёнғинга хавфлилик тоифасидан келиб чиққан ҳолда йилига камида 2 — 4 маротаба) ёнғин-техник текширувдан ўтказиш;

ташкилотнинг раҳбарияти, бўлинмалар ва бошқа хизматлар раҳбарлари билан биргаликда ташкилотда ёнғинларнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш, шунингдек режалаштирилган тадбирларни бажаришда ташкилий ёрдам кўрсатиш;

ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг портлаш ва ёнғинга хавфлилиги, уларда портлаш ва ёнғинларни келтириб чиқарувчи сабаблар ҳамда уларнинг олдини олиш усуллари тўғрисида иш берувчи номидан ишчиларни хабардор қилиш;

ёнғин хавфсизлиги чоралари тўғрисидаги йўриқномалар (объект бўйича умумий, ташкилотнинг бўлинмалари учун, технологик жараёнлар ва алоҳида иш турлари бўйича), иш жойидаги бирламчи йўриқномалар, ёнғин-техник минимуми тизимида ўқитиш дастурлари лойиҳаларини келишиш;

ташкилот бўлинмаларини ёнғин хавфсизлиги бўйича қоидалар, нормалар, плакатлар ва бошқа кўргазмали қўлланмалар билан таъминлашни ташкил этиш, шунингдек тегишли ахборотлар стендларини жихозлашда уларга услубий ёрдам бериш;

ташкилотда, унинг алоҳида цехларида ва бошқа участкаларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишлар ўтказиш;

ташкилотда ёнғинга қарши ташвиқот ва тарғибот ишларини ташкил қилиш, ташкилотнинг цехлари, омборларининг ёнғинга қарши ҳолатининг, идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматларининг ёнғинларни ўчиришга тайёргарлигининг жамоатчилик кўрикларини ўтказишни, шунингдек Давлат ёнғин назоратининг ёзма кўрсатмаларида тавсия қилинган ёнғинга қарши тадбирларнинг бажарилишини текширишни ташкил этиш;

иш жойларида ишлаб чиқаришнинг портлаш ва ёниш факторларини аниқлаш, ишлаб чиқариш технологик жараёнининг портлаш ва ёнишга хавфлилигини баҳолаш ва таҳлил қилиш;

ташкилотда содир бўлган ёнғин фактларини текширишда қатнашиш. Шунга ўхшаш ҳолатларнинг олдини олиш учун уларнинг сабабларини аниқлаш ва асосли хулосалар тайёрлаш, ушбу Низомга 1-иловадаги шакл бўйича далолатнома тузиш;

ташкилотнинг ишчиларини ёнғин хавфсизлиги бўйича кучга киритилаётган янги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳужжатлардан хабардор қилиш;

ҳужжатларнинг (ташкилот объектларининг ёнғинга қарши ҳолатини текшириш далолатномалари, ёнғин ҳолатлари бўйича текширувлар далолатномалари, комиссиянинг иш режалари ва протоколлари, иш жойларини ёнғин

хавфсизлиги бўйича аттестациядан ўтказиш материаллари ва шу кабиларнинг) сақланишини ташкил этиш.

12. Зарурат бўлганда, ташкилот раҳбари ЁТКга ёнғин хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бошқа тадбирларни ҳам ўтказиш вазифасини юклаши мумкин.

13. ЁТК қуйидагиларни:

ёнғин хавфсизлиги бўйича норматив-ҳужжатлар ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини;

бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан, ёнғинни ўчириш ва ундан хабар бериш автоматик тизимларидан тўғри фойдаланилиши ва уларнинг сақланишини;

ёнғинлар ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш, шунингдек улар тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ва ўзаро алмашиш тартибига риоя қилинишини;

бўлинмаларда меҳнат муҳофазаси бўйича улар учун йўриқномалар ишлаб чиқилиши керак бўлган касблар ва ишлар турларига мувофиқ ходимлар учун ёнғин хавфсизлиги чоралари тўғрисидаги йўриқномаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ўз вақтида қайта ишлаб чиқилишини;

тегишли хизматлар томонидан жиҳозлар, машиналар ва механизмларнинг ўз вақтида синовдан ва техник кўрикдан ўтказилишини;

ёнғиндан хабар бериш ва уни ўчириш автоматик тизимлари, тутунга қарши химоя, ташқи ва ички ёнғинга қарши сув қувурлари, ёнғин ҳақида огоҳлантириш тизимлари ишларининг самарадорлигини;

ёнғинга қарши сақлаш мосламалари ва химоя қурилмаларининг ҳолатини;

ёнғинга қарши ўқитиш, билимларни текшириш ва барча турдаги йўл-йўриқлар беришнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини;

ташкилот бўлинмаларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини бажариш учун ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланишини назорат қилади.

#### **IV. Ёнғин-техник комиссиялари ишларини ташкил этиш тартиби**

14. ЁТК ўз ишларини йил чораги ёки ярим йил учун ишлаб чиқиладиган, ташкилот комиссияси раиси томонидан тасдиқланадиган режалар асосида амалга оширади. Комиссиянинг қарорлари протоколлар билан расмийлаштирилади ва ташкилот раҳбарининг буйруғи билан амалда жорий этилади.

15. Фавқулодда вазиятларда ЁТК аъзолари сутканинг исталган вақтида ташкилот раҳбарининг буйруғига асосан, масалаларни ҳал этиш учун жалб этилади.

16. Йирик саноат объектларида, умумобъект ЁТКдан ташқари, цехларнинг ЁТКлари тузилиши мумкин.

Бу ҳолда умумобъект ЁТК цехлар комиссияларининг ишларини назорат қилади ва уларга раҳбарлик қилади, умуман объектнинг ёнғинга қарши ҳолатини яхшилаш масалаларини ҳал қилади ва ишлаб чиқаришнинг техноло-

гик жараёнидаги ёнғиндан хавфли участка ва қурилмаларида ёнғинларнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқади.

Ходимлар кам ташкилотларда ЁТК функциялари ушбу ташкилотнинг меҳнат муҳофазаси хизматига юкланиши мумкин.

17. ЁТК Давлат ёнғин назорати ёзма кўрсатмаларида кўзда тутилган тадбирларни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас.

Комиссия фикрига кўра ушбу тадбирларни бекор қилиш ёки ўзгартириш зарур бўлган ҳолларда комиссия ўз таклифларини ташкилот раҳбарига тақдим қилади, у ушбу масалани Давлат ёнғин назорати тегишли органлари билан келишади.

18. ЁТК томонидан бажарилиши белгиланган барча ёнғинга қарши тадбирлар ушбу Низомнинг 2-иловасида кўрсатилган шаклдаги далолатномалар билан расмийлаштирилади, улар ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади ва белгиланган муддатларда бажарилади.

19. Комиссия томонидан тавсия этилган ёнғинга қарши тадбирларнинг ташкилот бўлинмаларида бажарилиши устидан кундалик назорат бевосита ташкилотнинг идоравий ёки кўнгилли ёнғин ўчириш хизмати бошлиғига ёхуд ташкилотнинг ёнғин хавфсизлиги учун буйруқ билан белгиланган тартибда тайинланган жавобгар шахсга юкланади.

20. Юкланган вазифаларни виждонан бажарган, ташкилотнинг ёнғинга қарши ҳолатини яхшилаш борасида бевосита ҳисса қўшган ЁТК аъзолари ташкилотда қўлланадиган тартибда, шу жумладан Давлат ёнғин назорати органи тақдимномасига биноан моддий ва маънавий рағбатлантирилиши мумкин.

#### **V. Ёнғин-техник комиссияларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

21. Юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида ЁТКлар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

сутканинг исталган вақтида ташкилотнинг ишлаб чиқариш, хизмат ва маиший биноларини тўсқинликсиз кўздан кечириш, ёнғин хавфсизлиги бўйича ҳужжатлар билан танишиш;

ташкилотнинг бўлинмаларида ёнғинга қарши режимни текшириш ҳамда ёнғин хавфсизлиги бўйича мансабдор ва масъул шахсларга аниқланган ёнғинга қарши талаблар бузилишларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши шарт бўлган далолатномалар тақдим этиш;

бўлинмалар раҳбарларидан ёнғинга қарши ёнғин хавфсизлиги чоралари тўғрисидаги йўриқномаларнинг бузилишлари аниқланганда цехлар, участкалар, иш жойларидаги машиналар, қурилмалардан фойдаланишни тақиқлаш, ишларни тўхтатишни талаб қилиш, бу ҳақда бўлинмалар ва ташкилот раҳбарларини хабардор қилиш;

ташкилот ва бўлинмалар раҳбарлари билан келишган ҳолда ёнғинга қарши ҳолатни текшириш учун тегишли мутахассисларни жалб этиш;

бўлинмалар раҳбарларидан ёнғин хавфсизлиги бўйича материалларни сўраш ва олиш, ёнғинга қарши режимнинг бузилишига йўл қўйган шахслардан ёзма тушунтириш хатларини талаб қилиш;

ташкилот раҳбарига, бўлинмалар раҳбарларига ёнғин хавфсизлиги бўйича йўл-йўриқдан белгиланган тартибда таниш бўлмаган, ёнғин-техник минимуми тизими бўйича ўқитилмаган ва билимлар текширувидан ўтмаган ёки ёнғин хавфсизлиги талабларини қўпол равишда бузаётган шахсларни ишдан четлатиш тўғрисида таклифлар тақдим этиш;

ташкилот раҳбарига ва бўлинмалар раҳбарларига ёнғиндан хавфсиз иш шароитларини яратишда фаоллик кўрсатган алоҳида ходимларни рағбатлантириш, шунингдек ёнғин хавфсизлиги талаблари бузилишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар тақдим этиш;

ташкилот раҳбари топшириғига биноан, давлат ташкилотларида ва бошқа ташкилотларда ёнғин хавфсизлиги масалаларини муҳокама қилишда ташкилот номидан вакиллик қилиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш.

22. ЁТК ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

Ёнғин-техник комиссияларини  
ташкил этиш ва уларнинг фаолияти  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»  
Ташкилот раҳбари

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Ёнғин-техник комиссиясининг ёнғин  
сабабини текшириш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

(текширилаётган объектнинг номи)

Комиссия таркиби:

ЁТК раиси: \_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О.)

ЁТК аъзолари: \_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ манзилида содир бўлган ёнғин сабабини текшириш бўйича ушбу далолатномани туздилар.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

Текширишда ёнғиннинг содир бўлишига қуйидагилар сабаб бўлгани аниқланди: \_\_\_\_\_

(ёнғин содир бўлган объектнинг тўлиқ тавсифи: қаватлар сони, деворлар, бостирмалар материали, чердак ва ертўланинг мавжудлиги; электр, сув ва иссиқлик таъминоти; телефон тармоғи; лифт ва бошқалар; ёнғин пайдо бўлган, оловдан қўп шикастланган жойда электр приборларининг мавжудлиги; мавжуд иситиш приборлари ва сизиб чиқиш жойлари; ёнғинни пайдо қилиши мумкин бўлган олов манбаи тўғрисида мутахассислар хулосаси; оловнинг тарқалиш йўллари ва оловдан зарар кўрган конструкциялар, мебеллар, буюмлар; олов туфайли йўқ бўлган (зарар кўрган) хоналар ва майдонлар сони; тахминий бевосита ва билвосита зарар)

Комиссия қуйидагини ёнғин келиб чиқишининг энг асосий сабаби деб ҳисоблайди: \_\_\_\_\_

(очик олов манбаидан фойдаланиш; электр симларининг авария ҳолатида ишлаши ва бошқалар)

Ёнғин хавфсизлиги талабларини бузган шахс: \_\_\_\_\_

(Ёнғин хавфсизлиги қодалари, Ташкилотда қабул қилинган ёнғин хавфсизлигини

таъминлаш тўғрисидаги Йўриқнома талабларини бузган шахс)

(бузилишларнинг аниқ бандлари кўрсатилади)

Комиссия шунга ўхшаш ёнғинлар содир бўлишининг олдини олиш учун қуйидагиларни тавсия қилади: \_\_\_\_\_

ЁТК раиси: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., имзо)

ЁТК аъзолари: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., имзо)



Ёнғин-техник комиссияларини  
ташкил этиш ва уларнинг фаолияти  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»  
Ташкилот раҳбари

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Объект (цех, участка) нинг ёнғинга  
қарши ҳолатини текшириш  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

\_\_\_\_\_НИНГ  
(ташкилот номи)

қуйидаги таркибдаги Ёнғин-техник комиссияси: \_\_\_\_\_

Комиссия раиси: \_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О.)

Комиссия аъзолари: \_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О.)

20\_\_ йилнинг \_\_\_\_\_дан \_\_\_\_\_гача бўлган даври мобайнида  
\_\_\_\_\_НИНГ  
(текширув ўтказилган ташкилот ёки таркибий бўлинмалар)

ёнғинга қарши ҳолатини текширувдан ўтказди.

**Комиссия:**

ёнғин хавфсизлиги қоидалари (объект (цех) учун умумий ишлаб чиқилган ёнғин хавфсизлиги чоралари тўғрисидаги йўриқнома) талабларининг бартараф этиш зарур бўлган қуйидаги бузилишларини аниқлади:

Т/р	Ёнғинга қарши талаблар бузилишларини бартараф этиш учун тавсия этилаётган тадбирлар	Бузилишларни бартараф этиш муддати ва масъул бажарувчи	Бузилишларнинг бартараф этилганлиги ҳақида белги

ЁТК аъзоларининг имзолари: 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Ёнғинга қарши талаблар бузилишларини бартараф этишнинг назорат текшируви

Сана	Бажарилмаган ёнғинга қарши тадбирларнинг тартиб рақами	Текширувчи (лавозими, имзоси)	Танишдим (лавозими, имзоси)

Ёнғинга қарши талабларни бажармаган айбдор шахсларга нисбатан кўрилган чоралар (интизомий амалиёт)

Сана	Интизомий жавобгарликка тортилган шахснинг лавозими, Ф.И.О.	Ташкилот бўйича буйруқ, фармойиш рақами

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 28 мартдаги 89-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда ДЁХХ деб аталади) ёки идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари мавжудлигидан қатъи назар, ташкилотларда, аҳоли пунктларида ва бошқа ҳудудларда кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти, шунингдек кўнгилли ёнғин ўчирувчиларни рўйхатга олиш тартибини белгилайди.

2. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати ёнғинларнинг олдини олиш ва ўчириш ишларида фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида ташкил этилади.

3. Қўйидагилар кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ташкилотларда, аҳоли пунктларида ва бошқа ҳудудларда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;

аҳолига, ташкилотларда ходимларга ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини ўргатишда, шунингдек ёнғин содир бўлганда уларнинг ҳаракат қилишига тайёргарликни амалга оширишда иштирок этиш;

ёнғинга қарши тарғиботни амалга ошириш;

ёнғинларни ўчириш, ёнғин зонасида қолган одамларни ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини қутқариш.

4. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати** — фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ташкилотлар, аҳоли пунктлари ва бошқа ҳудудларда ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини таъминлаш, ёнғинларни ўчиришда иштирок этиши шакли;

**кўнгилли ёнғин ўчирувчи** — ёнғинларнинг олдини олиш ва (ёки) ўчириш бўйича ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари фаолиятида кўнгилли равишда (меҳнат шартномаси тузмасдан) бевосита иштирок этувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

**ДЁХХ маҳаллий органи** — туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) ёнғин хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари), бевосита ёнғин хавфсизлиги бошқармасига бўйсунувчи объектлардаги ёнғин хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари), туманлар (шаҳарлар) ва объектларни муҳофаза қилиш бўйича ДЁХХнинг ҳарбийлаштирилган ва профессионал отрядлари (қисмлари);

**кўнгилли ёнғиндан сақлаш дружинаси** — ўз фаолиятини ёнғинни ўчириш техникасидан ва транспорт воситаларидан фойдаланмаган ҳолда амалга оширувчи кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматининг бўлинмаси;

**кўнгилли ёнғиндан сақлаш командаси** — ўз фаолиятини ёнғинни ўчириш техникасидан ва транспорт воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширувчи кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматининг бўлинмаси.

5. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари кўнгилли ёнғиндан сақлаш дружиналари (кейинги ўринларда дружиналар деб аталади) ва (ёки) кўнгилли ёнғиндан сақлаш командалари (кейинги ўринларда командалар деб аталади) тарзида ихтиёрий асосда ташкил этилади ҳамда тегишли маъмурий-худудий бирликнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимига қиради.

6. Аҳоли пунктларида кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари уларнинг зарурлигига ҳамда ДЁХХ бўлинмаларидан узоқ масофада жойлашганлигига қараб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қарорлари асосида ташкил этилади.

7. Ташкилотлар ёки объектларнинг (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари (15 нафардан ортиқ ишловчи ходимлари мавжуд бўлганда) уларнинг раҳбарлари ташаббусига кўра ташкил этилади.

8. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларининг ёнғинларни ўчиришга тайёрлиги ҳолатини, шунингдек ёнғинларнинг олдини олишга доир ишларнинг бажарилиши устидан назоратни ДЁХХ амалга оширади.

9. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари ташкил этилган ташкилотлар ва аҳоли пунктларида ДЁХХ томонидан ўтказиладиган ёнғин-тактик ўқув машғулотларига мажбурий тартибда жалб этиладилар. ДЁХХнинг ёнғин-тактик ўқув машғулотлари якунларига кўра кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари ва кўнгилли ёнғин ўчирувчиларнинг тайёрлиги ҳолатига баҳо берилади.

## **II. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматини ташкил этиш тартиби**

10. Аҳоли пунктларида кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари раисининг қарорига кўра,

ташкilotларда эса — ташкilot рахбарининг буйруғи асосида ташкил этилади, қайта ташкил этилади ва тугатилади.

11. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларининг сони, уларнинг тузилмаси, командалар ва дружиналарнинг сон таркиби (камида 4 киши) ДЁХХ маҳаллий органининг рахбари билан келишилган ҳолда, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг раиси, ташкilotнинг рахбари томонидан белгиланади.

12. Кейинчалик ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш ёки уларни қайта рўйхатдан ўтказиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (ташкilot маъмурияти) кўнгилли ёнғиндан сақлаш бўлинмаси ташкил этилганлиги, қайта ташкил этилганлиги ва тугатилганлиги ҳақида 10 кун мобайнида ушбу аҳоли пункти (ташкilot)нинг чиқиш ҳудудида жойлашган ДЁХХ маҳаллий органини хабардор қилади.

13. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби Идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ҳисоб ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланади.

14. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмасини ходимлар билан таъминлаш, ушбу Низомнинг III бўлимига мувофиқ амалга оширилади.

15. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаси бошлиғи томонидан ДЁХХ маҳаллий органи ёрдамида қуйидаги ҳужжатлар ишлаб чиқилади ва тасдиқланади:

лавозим йўриқномалари;

кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати аъзоларининг навбатчилик жадвали; аҳоли пунктида (ташкilotда) жойлашган жамоат ва турар жой бинолари, шунингдек сув манбалари ва йўлларнинг схемалари ва планлари;

аҳоли пунктларида (ташкilotларда) ёнғинга қарши профилактик тадбирларни амалга ошириш, шунингдек аҳолини ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларига ўқитиш жадваллари;

ёнғин ўчириш техникалари ва алоқа воситаларининг рўйхати, шунингдек улардан фойдаланиш тартиби (командалар тузилганда);

кўнгилли ёнғин ўчирувчиларни келгуси тайёргарликдан ўтиш жадваллари;

ёнғинларни ўчириш, тегишли маъмурий-ҳудудий бирликларнинг ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари ва манфаатдор хизматларнинг ҳамкорлиги бўйича ҳаракатларини дастлабки режалаштириш ҳужжатлари;

хар бир команда учун жанговар бўлинма табели;

ёнғин содир бўлганда кўнгилли ёнғин ўчирувчиларнинг тўпланиш тартиби ёки уларнинг шайлигини текшириш ва уларни ёнғин жойига етказиш усули.

Санаб ўтилган ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари фаолиятини ташкил этишни тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар, қонун ҳужжатлари, шу жумладан ДЁХХ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилади.

16. Навбатчилик ташкил этиш учун команда (дружина)лар ташкilot-

ларда ишчи сменалар сони бўйича ва аҳоли пунктларида камида тўртта навбатчи сменаларга бўлинади.

17. Команда (дружина)лар навбатчи сменаларига энг яхши тайёрланган кўнгилли ёнғин ўчирувчилар сафидан танланган катта ёнғин ўчирувчилар раҳбарлик қилади.

18. Командалар қўидаги разрядларга бўлиниши мумкин:

биринчи — махсус бино (хона)да навбатчи смена (жанговар бўлинма) таркибида кўнгилли ёнғин ўчирувчиларнинг кеча-кундуз навбатчилиги;

иккинчи — диспетчер ва (ёки) ёнғин ўчириш транспорт воситаси ҳайдовчисининг кеча-кундуз навбатчилиги ҳамда навбатчи смена (жанговар бўлинма) таркибидаги бошқа кўнгилли ёнғин ўчирувчиларнинг ишлаш (ўқиш) ёки яшаш жойида бўлиши;

учинчи — диспетчернинг кеча-кундуз навбатчилиги ва навбатчи смена (жанговар бўлинма) таркибидаги бошқа барча кўнгилли ёнғин ўчирувчиларнинг ишлаш (ўқиш) ёки яшаш жойида бўлиши.

19. Иккинчи ва учинчи разряд командалари, диспетчер ва навбатчи смена (жанговар бўлинма) ўртасида аниқ ташкил этилган алоқа ва хабар бериш тизими (телефон (уяли) алоқаси, рация ёки бошқалар) мавжуд бўлганда, шунингдек навбатчи сменани йиғилиш (чақирув) жойига 8 дақиқадан ошмаган вақт ичида етиб келиш имкони бўлган тақдирда ташкил этилиши мумкин.

20. Дружиналарнинг ишини ташкил этиш тартиби унинг раҳбари томонидан ДЁХХ маҳаллий органи бошлиғи билан келишилган ҳолда, муайян объект ёки аҳоли пункти учун ишлаб чиқилган ёнғин хавфсизлиги чоратадбирлари амалга оширилишини назарда тутиб белгиланади.

21. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (ташкилотлар) қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритиш учун кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмасига зарур биноларни (хоналарни) бепул тақдим этади.

22. Ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларида кўнгилли ёнғин ўчирувчилар томонидан навбатчиликни ўташ, шунингдек ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни ўтказиш ҳақиқий вақтини ҳисобга олиш кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаси бошлиғи томонидан амалга оширилади.

### **III. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ходимлар билан таъминлаш тартиби**

23. Кўнгилли ёнғин ўчирувчилар сафига ўзининг ишчанлик ва ахлоқий хислатлари, шунингдек соғлиғи бўйича ёнғинларни ўчириш ва (ёки) уларнинг олдини олиш билан боғлиқ вазифаларни бажаришга қодир бўлган 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари кўнгилли равишда яқка тартибда қабул қилинади.

24. Аҳоли пунктининг кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари учун кўнгилли ёнғин ўчирувчилари сафига танлаб олиш Ўзбекистон Республикаси фуқароларини танлаб олиш фуқароларнинг ўзини ўзи бош-

қариш органлари томонидан, ташкилотнинг кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари учун кўнгилли ёнғин ўчирувчилари сафига танлаб олиш эса — тегишли ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

25. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари аҳоли пунктнинг кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари кўнгилли ёнғин ўчирувчилари сафига танлаб олишда қатнашиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси номига ёзма ариза берадилар. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари объектнинг кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари кўнгилли ёнғин ўчирувчилари сафига танлаб олишда қатнашиш учун ташкилот раҳбари номига ёзма ариза берадилар. Аризага паспорт, маълумоти ҳақидаги диплом нусхалари, соғлиғининг ҳолати тўғрисида маълумотнома илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини аҳоли пункти кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари кўнгилли ёнғин ўчирувчилари сафига танлаб олишда ушбу талабгорнинг кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати ташкил қилинаётган аҳоли пунктида доимий яшаш ва ишлаш жойи мавжудлиги, шунингдек мазкур Низомнинг 23-банди талаблари мажбурий шарт ҳисобланади.

26. Танлаб олиш якунига кўра ариза берилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (ташкилот маъмурияти) Ўзбекистон Республикаси фуқаросини кўнгилли ёнғин ўчирувчилар сафига қабул қилиш ҳақида ёки уни кўнгилли ёнғин ўчирувчилар сафига қабул қилишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

27. Кўнгилли ёнғин ўчирувчилар сафига қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мазкур Низомнинг IV бўлимида назарда тутилган тартибда, ДЁХХ томонидан белгиланадиган малака талабларига асосан дастлабки тайёргарликдан ўтадилар.

28. Дастлабки (кейинги) тайёргарликдан ўтиш натижаларига кўра ДЁХХ маҳаллий органи томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига (ташкилот маъмуриятига) 1-иловага мувофиқ шакл бўйича маълумотнома тақдим этилади.

29. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмасининг бошлиғи ДЁХХ маҳаллий органи раҳбари билан келишган ҳолда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг раиси, ташкилот раҳбари томонидан, ёнғиндан сақлаш хизматида камида беш йил иш стажига эга бўлган шахслардан тайинланади.

30. Кўнгилли ёнғин ўчирувчилар сафига қабул қилинган ва дастлабки (кейинги) тайёргарликдан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Аҳоли пунктнинг кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари фаолиятида иштирок этувчи кўнгилли ёнғин ўчирувчиларнинг реестрида (2-иловага мувофиқ шакл бўйича) ёки Ташкилотнинг кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари фаолиятида иштирок этувчи кўнгилли ёнғин ўчирувчиларнинг реестрида (3-иловага мувофиқ шакл бўйича) рўйхатга олинади.

Рўйхатга олиш тартиб рақами реестр бўйича тўрт хонали сондан ва рўйхатга олинган йилдан иборат бўлиши лозим (масалан — 0001-13).

31. Кўнгилли ёнғин ўчирувчилар Реестрини юритиш ва сақлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (ташкилот маъмурияти) томонидан олиб борилади.

32. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (ташкилот маъмурияти) томонидан ҳар йили ДЁХХ маҳаллий органига рўйхатга олинган кўнгилли ёнғин ўчирувчилар сони ҳақида маълумотлар тақдим этилади.

33. Рўйхатга олинган кўнгилли ёнғин ўчирувчиларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (ташкилот маъмурияти) томонидан 4-иловага мувофиқ шакл бўйича кўнгилли ёнғин ўчирувчи карточкаси 5 йил муддатга берилади. Карточканинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, кўнгилли ёнғин ўчирувчининг кейинги тайёргарликдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса, кейинчалик қайта рўйхатдан ўтказган ҳолда карточка янги-сига алмаштирилиши мумкин.

34. Ўзбекистон Республикаси фуқаросини кўнгилли ёнғин ўчирувчилар рўйхатидан чиқаришга қўйидагилар асос бўлади:

шахсий аризаси;

кўнгилли ёнғин ўчирувчилар учун белгиланган малака талабларига нолойқлиги;

ёнғиндан сақлаш хизматида ишлашга имкон бермайдиган саломатлик ахволи;

белгиланган талабларни мунтазам равишда бажармаслик, шунингдек ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаси фаолиятида иштирок этишдан ўзини четга олиш;

кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматида бўлишига зид хатти-ҳаракатларни содир этганлик.

#### **IV. Кўнгилли ёнғин ўчирувчиларни тайёрлаш тартиби**

35. Кўнгилли ёнғин ўчирувчини дастлабки (кейинги) тайёргарликдан ўтказиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (ташкилот маъмурияти) аризаларига кўра ДЁХХ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ кўнгилли ёнғин ўчирувчи учун белгиланган ҳажмда ДЁХХ бўлинмалари базасида бепул амалга оширилади.

36. Кўнгилли ёнғин ўчирувчиларнинг кейинги тайёргарлиги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (ташкилотлар раҳбарлари) томонидан ДЁХХ маҳаллий органи раҳбари билан келишиб, ДЁХХ ходимларини (хизматчиларини) жалб қилган ҳолда ташкил этилади ва амалга оширилади.

37. Кўнгилли ёнғин ўчирувчиларнинг кейинги тайёргарликдан ўтиш дастури ДЁХХ маҳаллий органи раҳбари билан келишилган ҳолда ёнғиндан сақлаш хизмати бошлиғи томонидан ишлаб чиқилади ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (ташкилот маъмурияти) томонидан тасдиқланади.

38. Дастлабки тайёргарликдан ўтмаган шахслар мустақил ишлашга қўйилмайди.

#### **V. Кўнгилли ёнғин ўчирувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

39. Кўнгилли ёнғин ўчирувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тегишли маъмурий-худудий бирлик (ташкilotнинг) худудида ДЁХХ маҳаллий органи билан биргаликда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида иштирок этиш;

ёнғинлар тарқалган (тарқалиши эҳтимоли бўлган) ва уларни пайдо қиладиган жойларга кириб бориш;

портлаш ёки ёнғинга олиб келадиган ёнғиндан хавfli ва шунга ўхшаш ишларнинг ташкilot маъмурияти ёки ДЁХХ маҳаллий органи томонидан кўриб чиқилгунга қадар олиб борилишини тақиқлаш.

40. Кўнгилли ёнғин ўчирувчилар қуйидагиларга мажбур:

ДЁХХ томонидан тасдиқланган, кўнгилли ёнғин ўчирувчиларни дастлабки тайёргарликдан ўтказиш дастурида назарда тутилган ҳажмда зарур ёнғин-техник билимларга эга бўлиш;

ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва таъминлашда иштирок этиш;

ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, шунингдек портлаш ёки ёнғинга олиб келадиган ёнғиндан хавfli ва бошқа ишларнинг олиб борилиши ҳолатлари аниқланганда улар тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, ташкilot маъмуриятига, шунингдек ДЁХХ маҳаллий органларига хабар бериш;

кўнгилли ёнғин ўчирувчиларга қўйиладиган талабларни бажариш;

ёнғиндан сақлаш хизмати фаолиятида иштирок этиш;

тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси, ташкilot раҳбари томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларида навбатчиликни амалга ошириш;

кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларида навбатчилик қилишнинг белгиланган тартибига, тартиб-интизомга ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиш;

ёнғиндан сақлаш хизмати мулкани асраб-авайлаш, ёнғин-техник воситалари ва жиҳозларини соз ҳолатда сақлаш.

41. Сабабли таваккалчилик доирасида ҳаракат қилган, ёнғин ўчиришда қатнашган кўнгилли ёнғин ўчирувчилар етказилган зарарнинг ўрнини қоплашдан озод қилинади.

#### **VI. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматининг молиявий ва моддий-таъминоти, кўнгилли ёнғин ўчирувчиларни маънавий рағбатлантириш чора-тадбирлари**

42. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларининг (дружиналар,



командаларнинг) молиявий ва моддий-техникавий таъминоти ушбу бўлинмалар (дружиналар, командалар) тузилган ташкилотлар маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг эҳсонлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобига амалга оширилади.

43. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматини моддий рағбатлантириш раҳбарлар таркиби ва асосий техник ходимларнинг (диспетчерлар, ҳайдовчилар, механик-моторчиларнинг) меҳнатига тўлиқ ёки қисман ҳақ тўлаш таъминотида амалга оширилиши мумкин. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматининг қолган аъзолари фаолияти ёнғинларни ўчириш билан боғлиқ ишларни бажариш ёки ёнғин депосида навбатчилик вақтидаги меҳнатига вақтбай ҳақ тўлаш билан рағбатлантирилиши мумкин.

44. Ёнғинларни ўчиришда бевосита иштирок этадиган кўнгилли ёнғин ўчирувчилар, қоидага кўра, кийиб юриш муддати ДЁХХ учун мўлжалланган махсус кийим-бош ва аслаҳалар билан таъминланадилар.

45. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (ташкилотлар) кўнгилли ёнғин ўчирувчилар учун ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар идоралари ходимлари формасидан фарқланадиган ягона кийим-кечак формасини белгилаши мумкин.

46. Кўнгилли ёнғин ўчирувчиларга компенсация тўлаш ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ўз маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг эҳсонлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

47. Кўнгилли ёнғин ўчирувчиларни маънавий рағбатлантириш мукофотлар, тақдирлаш белгилари ва жамоат миннатдорчилиги тарзида, шу жумладан ДЁХХнинг тақдимномасига кўра амалга оширилиши мумкин.

Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Кўнгилли ёнғин ўчирувчининг  
тайёргарликдан ўтганлиги тўғрисида**

\_\_\_\_\_ (дастлабки (кейинги))

**МАЪЛУМОТНОМА**

Ушбу орқали, \_\_\_\_\_ базасида,  
(ДЁХХ органининг номи)

\_\_\_\_\_ (ўқиш бошланган ва тугаган сана)

Кўнгилли ёнғин ўчирувчи \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., туғилган санаси)

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

(паспорт серияси, тартиб рақами)

кўнгилли ёнғин ўчирувчиларни \_\_\_\_\_ тайёрлаш дастури бўйича  
дастлабки (кейинги)

(кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бошлиғи, кўнгилли ёнғин ўчириш командасининг

катта ёнғин ўчирувчиси, (команда, дружина) кўнгилли ёнғин ўчирувчиси,

кўнгилли ёнғин ўчириш командасининг хайдовчи-моторчиси, кўнгилли ёнғин ўчириш

командасининг диспетчери ва бошқалар)

лавозимига дастлабки (кейинги) тайёргарликдан ўтганлиги тасдиқланади.

\_\_\_\_\_ тайёргарлик дастурини \_\_\_\_\_  
бошланғич (кейинги) /кониқарли, кониқарсиз/ (керагини ёзинг)

баҳога ўзлаштирди.

Мустақил ишлашга \_\_\_\_\_  
/қўйилади, қўйилмайди/ (керагини ёзинг)

ДЁХХ маҳаллий органининг номи, \_\_\_\_\_

раҳбарнинг Ф.И.О.

мухр

\_\_\_\_\_ (имзо, сана)

Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати  
бўлинмаларини ташкил этиш ва уларнинг  
фаолияти тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

178-модда

**Аҳоли пунктнинг кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари фаолиятида  
иштирок этувчи кўнгилли ёнғин ўчирувчиларнинг  
РЕЕСТРИ**

(маъмурий-ҳудудий birlik, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи номи)

Т/р	Кўнгилли ёнғин ўчирувчининг Ф.И.О.	Шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжат	Яшаш (рўйхатга олинган) жойи, телефон рақами	Асосий иш жойи объектининг номи, манзили, лавозими, телефон рақами	Реестрга киритиш санаси ва асоси	Реестрдан чиқариш санаси ва асоси	Реестрни юритиш учун масъул шахснинг Ф.И.О. ва имзоси
1	2	3	4	5	6	7	8

— 28 —

14 (566)-сон

Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати  
бўлинмаларини ташкил этиш ва уларнинг  
фаолияти тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

**Ташкилотнинг кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари фаолиятида  
иштирок этувчи кўнгилли ёнғин ўчирувчилари  
РЕЕСТРИ**

(объект, ташкилот номи)

Т/р	Кўнгилли ёнғин ўчирувчининг Ф.И.О.	Шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжат	Яшаш (рўйхатга олинган) жойи, телефон рақами	Реестрга киритиш санаси ва асоси	Реестрдан чиқариш санаси ва асоси	Реестрни юритиш учун масъул шахснинг Ф.И.О. ва имзоси
1	2	3	4	5	6	7

Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати  
бўлинмаларини ташкил этиш ва уларнинг  
фаолияти тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

**Кўнгилли ёнғин ўчирувчи карточкаси  
шаклининг намунаси**

<b>Кўнгилли ёнғин ўчирувчи карточкаси</b>	
<b>Рўйхатга олиш рақами <u>0001-10</u></b>	
_____	
(вилоят, шаҳар (туман) номи)	
_____	
(фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (ташкилот, объект) номи)	
_____	
(кўнгилли ёнғин ўчирувчининг лавозими)	
_____	
(кўнгилли ёнғин ўчирувчининг Ф.И.О.)	
_____	
(Ташкилот, объект, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ваколатли шахсининг Ф.И.О.)	_____
	(имзо)
	М.Ў.
Берилган вақти _____	
Амал қилиш муддати _____ гача	
сурат	

Изоҳ: карточка икки томонлама ламинацияланиши лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 28 мартдаги 89-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ёш ёнғин ўқирувчилар дружиналарини ташкил этиш ва  
уларнинг фаолияти тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига мувофиқ ёш ёнғин ўқирувчилар дружиналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартибини белгилайди.

2. Ёш ёнғин ўқирувчилар дружиналари — болаларга ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиш, уларни касбга йўналтириш, ёнғинга қарши тарғиботни ҳамда ёнғинларнинг олдини олишга ва ўқувчиларда ёнғин чоғида тўғри ҳаракат қила билиш кўникмалари ва маҳоратини мустаҳкамлашга йўналтирилган бошқа вазифаларни амалга ошириш мақсадида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ташкил этиладиган ўқувчиларнинг ихтиёрий бирлашмаларидир.

3. Қуйидагилар ёш ёнғин ўқирувчилар дружиналарининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ёнғин хавфсизлиги чораларини қўллашда катта ёшдагиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

ёнғин ўқириш ишининг асосларини эгаллаш, ёнғинларнинг олдини олиш амалий билим ва кўникмаларини ҳамда ёнғин чоғида тўғри ҳаракат қилиш, шунингдек ёнғиндан жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш маҳоратларини ошириш;

ёнғин ўқириш-амалий спорти бўйича спортчилар захирасини тайёрлаш.

4. Ёш ёнғин ўқирувчилар дружиналари халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими органлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда ДЁХХ деб аталади) ва тегишли жамоат бирлашмалари ёрдамида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчилардан ташкил этилади.

5. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг маъмурияти тегишли жамоат бирлашмалари ва ДЁХХ ёрдамида ёш ёнғин ўқирувчилар дружиналари билан ишлаш учун ўқитувчилар, шунингдек ДЁХХ ходимлари (хизматчилари) таркибидан жамоатчи ташкилотчини танлайди ва тасдиқлайди.

Ёш ёнғин ўқирувчилар дружиналари билан ишлаш учун жамоатчи ташкилотчиларни тайёрлаш тегишли жамоат бирлашмалари, ёнғин-техника марказлари, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари негизида амалга оширилади.

## II. Ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналари билан ишлашнинг асосий йўналишлари

6. Ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналари билан ишлаш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ва ёнғин содир бўлгандаги хатти-ҳаракатларга ўргатиш, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари ва ёнғин ўчириш техникаси, ёнғин-техника ускуналари, автоматик ёнғин ўчириш, ёнғин сигнализацияси ва хабар бериш тизимлари билан таништириш;

оммавий ахборот воситалари, радио тармоқларидан фойдаланиш, махсус адабиёт ва реклама махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш йўли билан, деворий газеталар, тематик кўргазмалар, кўриклар ва конференциялар ташкил этиш орқали болалар шўхлиги оқибатида содир бўладиган ёнғинларнинг олдини олиш бўйича оммавий-тушунтириш ишларига жалб этиш;

ёнғин ўчириш-амалий спорти машғулоти ва мусобақалари, ёнғинга қарши кураш бўйича танловлар, викториналар, слётлар, экскурсиялар, саёхатларни ташкил этиш ва ўтказиш;

ёнғин хавфсизлиги қисмларига, тегишли жамоат бирлашмаларига, ёнғин-техник таълим муассасаларига, кўргазмаларга бориш, ёнғиндан сақлаш хизматининг тарихи ва фидокорлари тўғрисида янги материалларни тўплаш, ёнғиндан сақлаш хизматининг хизмат кўрсатган ходимлари ҳамда фахрийлари, ёнғин ўчириш-амалий спорти чемпионлари ва усталари билан учрашувлар уюштириш;

болалар техника ижодиётини ривожлантириш, ёнғин-техник моделлаштириш тўғрақларини ташкил этиш.

## III. Ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналари аъзолигига қабул қилиш тартиби

7. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 12 ёшга тўлган ва ундан катта бўлган, дружиналарнинг ишида фаол қатнашиш истагини билдирган ўқувчилар ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналари аъзолари бўлишлари мумкин.

8. Ёш ёнғин ўчирувчилар дружинаси аъзолигига ёзма ариза, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти илтимосномаси асосида дружинанинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

Ёш ёнғин ўчирувчилар дружинаси аъзолигига тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишилган ёнғин хавфсизлиги чораларини қўллаш бўйича махсус дастурларни «яхши» ёки «аъло» даражада ўзлаштирган ўқувчилар қабул қилинади.

Ёш ёнғин ўчирувчилар дружинаси аъзолигига янги қабул қилинганларга тантанали равишда ёш ёнғин ўчирувчилар дружинаси аъзосининг значоги топширилади.

Ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналари значоги намунаси ва ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналарининг рамзи халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими органлари, Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати, тегишли жамоат бирлашмалари иштирокида ишлаб чиқилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

#### **IV. Ёш ёнғин ўчирувчининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари**

9. Ёш ёнғин ўчирувчи қуйидагиларга мажбур:

ёш ёнғин ўчирувчи обрўси ва номини қадрлаш, дружина ишларида фаол қатнашиш, дружина командири топшириқларини ўз вақтида ва аниқ бажариш; ёнғин хавфсизлиги чораларини ўрганиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишда атрофдагиларга ўрнак бўлиш;

тенгдошлари ва кичик ёшдаги болалар ўртасида ёнғинларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш;

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари (хизматчилари) ва тегишли жамоат бирлашмалари ходимлари раҳбарлигида мактабгача таълим муассасаларида ва умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида, шунингдек маҳаллий аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришда иштирок этиш;

ўз спорт маҳоратини ошириш, ёнғин ўчириш-амалий спорти ва спортнинг бошқа турлари билан шуғулланиш.

10. Ёш ёнғин ўчирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

дружина фаолиятига оид барча масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш ва тегишли таклифлар киритиш;

ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ва тегишли жамоат бирлашмаларига ёрдам ва маслаҳат сўраб мурожаат қилиш;

дружинадаги фаол иши учун тегишли жамоат бирлашмалари, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими органлари, Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёрлиқлар, кўкрак нишонлари, қимматли совғалар билан тақдирланиш, ёш ёнғин ўчирувчиларнинг ва «Камалак» болалар ташкилоти слётларига делегат этиб сайланиш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ёнғин-техник таълим муассасаларига ва ёнғин хавфсизлиги мутахассислари тайёрловчи бошқа таълим муассасаларига ўқишга юборилиш;

ёнғинни ўчириш, одам ҳаёти ва фуқароларнинг мулкини қутқариб қолишдаги жасоратли ҳамда қатъий ҳаракатлари учун белгиланган тартибда давлат мукофотлари билан тақдирланишга тавсия этилиш.

#### **V. Ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналари фаолиятига раҳбарлик қилиш**

11. Ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналари фаолиятига кундалик раҳбарлик умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педа-



гоглар кенгаши томонидан амалга оширилади. Педагоглар кенгаши дружинанинг командири, унинг ўринбосарларини сайлайди.

12. Ёш ёнғин ўқирувчилар дружиналари фаолиятига ташкилий ва услубий раҳбарлик қилиш учун ёш ёнғин ўқирувчиларнинг республика ва ҳудудий штаблари ташкил этилади. Штаблар таркибига халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими органлари, Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати, тегишли жамоат бирлашмалари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари киритилади.

13. Ёш ёнғин ўқирувчилар дружиналарининг штаб бошлиғи, унинг ўринбосарлари, котиби ва штаб аъзолари халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими органларининг, Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати, тегишли жамоат бирлашмаларининг, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда штаблар таркибига вакиллари киритилган бошқа ташкилотларнинг протокол қарори билан тасдиқланади.

14. Ёш ёнғин ўқирувчилар дружиналарининг ҳудудий штаби:

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ёш ёнғин ўқирувчилар дружиналари, тўғарақлари, ёнғин ўқириш-амалий спорти секциялари ташкил этишда ва уларнинг фаолият кўрсатишида ёрдам беради, дружиналар фаолиятини мувофиқлаштиради, ижобий иш тажрибаларни умумлаштиради ва тарқатади, дружиналарга топшириқлар беради ҳамда уларнинг иш режаларини мувофиқлаштиради, ёнғинларнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

дружиналар, жамоатчи ташкилотчиларнинг ёш ёнғин ўқирувчилар дружиналари билан ишлаш бўйича ҳисоботларини эшитида, дружиналар аъзоларини рағбатлантиришга доир материалларни кўриб чиқади, спорт мусобақалари, викториналар, танловлар ва шу кабиларнинг дастурларини ишлаб чиқишда қатнашади;

спорт тадбирларининг тасдиқланган календарь режаларига мувофиқ ёш ёнғин ўқирувчилар дружиналарининг ёнғин ўқириш-амалий спорти бўйича туман (шаҳар), ҳудудий мусобақаларини ташкил этади.

15. Ёш ёнғин ўқирувчилар дружиналарининг республика штаби ҳудудий штаблар фаолиятига раҳбарлик қилади, ёнғинларнинг олдини олиш ишларининг шакл ва услубларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқади, оммавий тадбирларни ташкил этади, ёш ёнғин ўқирувчилар штаблари ва дружиналарининг энг яхши иш тажрибаларини спорт тадбирларининг тасдиқланган календарь режаларига мувофиқ ўрганади ва тарғиб этади, ёш ёнғин ўқирувчилар дружиналарининг ёнғин ўқириш-амалий спорти бўйича республика мусобақаларини ташкил этади.

## **VI. Ёш ёнғин ўқирувчилар дружиналарининг моддий-техника таъминоти**

16. Ёш ёнғин ўқирувчилар билан олиб бориладиган ишлар (спорт мусобақалари, экскурсиялар, слётлар, викториналар ва шу кабилар)га, ёнғин-техник кўргазмаларига, ёнғин-техник моделлаштириш тўғарақларига, дру-

жиналар учун значоклар, ёнгин ўчириш-амалий спорти учун спорт снарядлари, адабиётлар, тарғибот ишлари учун мол-мулклар сотиб олишга харажатлар тегишли жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан ушбу мақсадларга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан, негизида ёш ёнгин ўчирувчилар дружиналари ташкил этилган умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари кўмагида амалга оширилади.

17. Ёш ёнгин ўчирувчилар дружиналари билан амалий машғулотлар ва ёнгин ўчириш — амалий спорти бўйича машғулотлар ўтказиш учун тегишли жамоат бирлашмалари, Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати ва бошқа манфаатдор ташкилотлар бепул ва пулли тартибда спорт базалари, жиҳозлар тақдим этадилар, мутахассислар, шунингдек ёнгин ўчириш техникаси, асбоб-ускуналар ҳамда анжомлар ажратадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 28 мартдаги 89-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Идоравий ва кўнгилли ёнгиндан сақлаш хизмати  
бўлинмаларини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига мувофиқ идоравий ва кўнгилли ёнгиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тегишли маъмурий-худудий бирликларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўзаро ҳамкорлигини амалга ошириш, уларнинг ёнгинларни ўчиришга тайёрлиги ҳолатини, шунингдек ёнгинларнинг олдини олиш ишлари амалга оширилишини назорат қилиш учун идоравий ва кўнгилли ёнгиндан сақлаш хизмати бўлинмаларининг сони, жойлаштирилиши, жиҳозланганлиги, комплектланганлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳамда бошқа зарур ахборотларни ҳисобга олиш ва тизимлаштириш мақсадида амалга оширилади.

3. Идоравий ва кўнгилли ёнгиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ҳисоб рўйхатидан ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда ДЁХХ деб аталади)нинг ушбу Низом билан белгиланган тегишли органлари амалга оширади.

4. Ушбу Низомда фойдаланиладиган тушунчалар ва таърифлар:

**ҳисоб рўйхатидан ўтказиш** — реестрда идоравий ва кўнгилли ёнгиндан сақлаш хизмати бўлинмалари тўғрисидаги тегишли маълумотларни расмий қайд этиш;

**идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати** — идоравий ёнғин назорати-ни ташкил этиш ва амалга ошириш, идоравий мансуб объектларда ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғинлар содир бўлганда одамлар ва мол-мулкни қутқариш, ёнғинларни ўчиришни ташкил этиш ва амалга ошириш учун тегишли ташкилотларнинг мулкдорлари қарори бўйича ташкил этиладиган бошқарув органлари ва бўлинмалар мажмуи;

**кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати** — фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ташкилотларда, аҳоли пунктлари ва бошқа ҳудудларда ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини таъминлашда, ёнғинларни ўчиришда иштирок этиш шакли;

**ДЁХХнинг ҳудудий органи** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг, объектнинг ёнғин хавфсизлиги бошқармалари;

**ДЁХХнинг маҳаллий органи** — туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг ёнғин хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари), бевосита ёнғин хавфсизлиги бошқармаларига бўйсунувчи объектларнинг ёнғин хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари), туманлар (шаҳарлар) ва объектларни қўриқлаш бўйича ДЁХХнинг ҳарбийлаштирилган ва касбий отрядлари (қисмлари).

5. Ташкилотларда ва аҳоли пунктларида ташкил этилган идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари ҳисоб рўйхатидан ўтиши шарт.

6. Ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган материаллар беш йил мобайнида сақланади, сақлаш муддати ўтгач улар идоравий архивга топширилади.

## **II. Идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг реестрини юритиш тартиби**

7. Идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмасини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органи, шунингдек бошқа ташкилотлар ДЁХХнинг ҳудудий органига уларнинг фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар, жумладан қуйидаги маълумотлар илова қилинган аризани тақдим этадилар:

ДЁХХ, давлат ва хўжалик бошқаруви органи, шунингдек объектларда ариза берувчи идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмасини ташкил этмоқчи бўлган бошқа ташкилотлар билан келишилган Идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаси тўғрисидаги низомнинг нусхаси;

идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмасига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган шахсий таркиб ва ёнғинни ўчириш техникаси сонининг ҳисоб-китоби;

идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмасининг жойлашиши ва сони,

шунингдек ўзининг ва (ёки) ижарага олинадиган моддий-техника базаси тўғрисида ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича маълумотлар;

идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаси раҳбарлари ва мутахассисларининг малакаси тўғрисида ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича маълумотлар.

8. Ариза ДЁХХнинг худудий органида рўйхатдан ўтказилгандан кейин кўриб чиқишга қабул қилинган ҳисобланади ва у 15 иш куни мобайнида кўриб чиқилиши керак.

9. ДЁХХнинг худудий органи, ушбу Низомнинг 7-банди талабларига мувофиқ ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, ариза берувчига ҳисоб рўйхатидан ўтказишни рад этишга ҳақлидир.

10. Ҳисоб рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор ёзма шаклда, икки нусхада расмийлаштирилади, улардан биттаси ариза берувчига юборилади.

11. Ҳисоб рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарорни олган ариза берувчи, аниқланган камчиликлар бартараф этилгандан кейин, ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

12. ДЁХХнинг худудий органи томонидан ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин тегишли маълумотлар 3-иловага мувофиқ шакл бўйича идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш реестрига киритилади.

13. Ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

### **III. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг реестрини юритиш тартиби**

14. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмасини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (ташкилот маъмурияти) ДЁХХнинг маҳаллий органига уларнинг фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот илова қилинган аризани тақдим этади.

Ахборотда:

кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бошлиғи лавозимига номзод ва унинг малакаси;

кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмасининг тури (дружина, команда);

команданинг разряди (командалар ташкил этилган тақдирда);

командалар ва (ёки) дружиналарнинг сони таркиби;

кўнгилли ёнғин ўчирувчиларни дастлабки (кейинги) тайёрланганлиги;

ўзининг ва (ёки) ижарага олинадиган моддий-техника базаси, командалар ташкил этилганда эса — бино (хона), ёнғинни ўчириш техникаси, ас-

боб-ускуналар, анжомлар, алоқа воситалари ва жанговар кийим мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ахборот ҳар йили ДЁХХнинг маҳаллий органига тақдим этилади.

15. Ариза ДЁХХнинг тегишли маҳаллий органида рўйхатдан ўтказилгандан кейин кўриб чиқишга қабул қилинган ҳисобланади ва у 15 иш куни мобайнида кўриб чиқилиши керак.

16. ДЁХХнинг маҳаллий органи ушбу Низомнинг 14-банди талабларига мувофиқ ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда ариза берувчига ҳисоб рўйхатидан ўтказишни рад этишга ҳақлидир.

17. Ҳисоб рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор ёзма шаклда, икки нусхада расмийлаштирилади, улардан биттаси ариза берувчига юборилади.

18. Ҳисоб рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарорни олган ариза берувчи, аниқланган камчиликлар бартараф этилгандан кейин, ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

19. Ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин ДЁХХнинг маҳаллий органи томонидан маълумотлар 4-иловага мувофиқ шакл бўйича кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш реестрига киритилади.

#### IV. Яқунловчи қисм

20. Давлат, хўжалик бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари тугатилган тақдирда, шунингдек уларнинг сони, жойлаштирилиши, жиҳозланганлиги, комплектланганлиги тўғрисидаги ҳамда улар ҳақидаги бошқа маълумотлар ўзгарганда ўн кун муддатда ДЁХХнинг тегишли органларига ўзгарган маълумотларни тақдим этишлари шарт.

21. ДЁХХнинг тегишли органи тақдим этилган ўзгартиришларни ўзгартирилган маълумотлар олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида реестрга киритади.

22. Рўйхатдан ўтказилган идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинади ва ДЁХХнинг тегишли ҳудудий органларида сақланади, улар тўғрисидаги тизимлаштирилган маълумотлар ДЁХХнинг юқори органига берилади.

23. Реестрдаги маълумотлар улар билан манфаатдор шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади ва уларнинг ёзма сўрови бўйича реестрдан кўчирма тарзида бепул берилади.

24. Идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларининг ҳисоб рўйхатидан ўтказиш реестрлари рақамланган, ип ўтказиб тикилган, гербли муҳр босилган ва ДЁХХнинг тегишли органи раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

25. Идоравий ва қўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ҳисоб рўйхатидан ўтказишнинг тўлиқлиги ва амалга оширишнинг тўғрилиги, шунингдек маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилганлиги ва ишончлилиги учун ушбу Низомнинг 7, 12, 14 ва 19-бандларида кўрсатилган тегишли органлар ва ташкилотлар жавоб берадилар.

26. Идоравий ва қўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ташкил этган ваколатли органлар (ташкилотлар) уларнинг ҳисоб рўйхатидан ўтказилмаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш  
хизмати бўлинмаларини ҳисоб рўйхатидан  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

178-модда

**Идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмасининг жойлаштирилиши ва сони,  
шунингдек ўзининг ва (ёки) ижарага олинadиган моддий-техника базаси тўғрисидаги  
МАЪЛУМОТЛАР**

Ташкилотнинг номи \_\_\_\_\_

Бўлинманинг жойлашган жойи (юрлик манзили) \_\_\_\_\_

Т/р	Моддий-техник база	Номи	Сони	Ўзиники/ижарага олингани	Ишлаб чиқарилган (қурилган) йили	Изоҳ
1.	Бино (депо)нинг тури					
2.	Ёнғинни ўчириш техникаси					
3.	Ёнғинни ўчиришнинг техник анжомлари					
4.	Алоқа воситалари					
5.	Ёнғин ўчирувчининг махсус кийими					

Идора раҳбари

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

Изоҳ: ёнғинни ўчириш техникаси ва ёнғинни ўчиришнинг техник анжомлари сони ҳисобдаги ёнғин ўчирувчилар сонига мувофиқ бўлиши керак.

— 40 —

14 (566)-сон

Идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш  
хизмати бўлинмаларини ҳисоб рўйхатидан  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари раҳбарлари ва  
мутахассисларининг малакаси тўғрисидаги  
МАЪЛУМОТЛАР**

Ташкилотнинг номи \_\_\_\_\_

Бўлинманинг жойлашган жойи (юримдик манзили) \_\_\_\_\_

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Раҳбар ва мутахассисларнинг лавозими	Маълумоти (қачон ва қайси таълим муассасасини тамомлаган, мутахассислиги)	Мутахассислиги бўйича иш стажи	Дастлабки (кейинги) тайёргарлиги тўғрисида маълумотлар	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7

Ташкилот раҳбари

\_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)  
М.Ў.



Илоравий ва кўнглили ёнғиндан саклаш  
хизмати бўлинмаларини хисоб рўйхатидан  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомага  
3-ИЛОВА

**Илоравий ёнғиндан саклаш хизмати (ИЁСХ) бўлинмаларини  
хисоб рўйхатидан ўтказиш  
РЕЕСТРИ**

1	Идоранинг номи	Юридик шахснинг ташкилий-хуқуқий шакли, номи, раҳбарнинг Ф.И.О.	ИЁСХ бўлинмасининг худудий жойлашуви (манзили, телефони)	ИЁСХ бўлинмаси раҳбарининг Ф.И.О., телефони	ИЁСХ бўлинмаси ходимларининг сони	Бино, хонанинг тури (намунавий депо, мослаштирилган бино)	Ёнғинни ўчириш техникасининг номи, тури, чиқарилган йили, техник ҳолати	Реестрда рўйхатдан ўтказиш санаси ва асоси	Реестрдан чиқариш санаси ва асоси	Изоҳ (киритилган ўзгартиришлар ва кўшимчалар тўғрисидаги маълумотлар)
2										
3										
4										
5										
6										
7										
8										
9										
10										
11										

ДЁХХ органининг раҳбари

М.Ў.

(имзо)

(Ф.И.О.)

Идоровий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш  
хизмати бўлинмаларини ҳисоб рўйхатидан  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига  
4-ИЛОВА

**Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати (КЁСХ) бўлинмаларини  
ҳисоб рўйхатидан ўтказиш  
РЕЕСТРИ**

Т/р	
1	Ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи номи, раҳбарнинг Ф.И.О.
2	Идоровий мансублиги
3	КЁСХ бўлинмасининг ҳудудий жойлашуви (манзили, телефони)
4	КЁСХ бўлинмаси раҳбарининг Ф.И.О., телефони
5	КЁСХ бўлинмаси тури (дружина, команда)
6	Кўнгилли ёнғин ўчирувчилар сони
7	Бино, хонанинг тури (намунавий депо, мослаштирилган бино)
8	Ёнғинни ўчириш техникасининг номи, тури, чиқарилган йили, техник ҳолати
9	Реестрда рўйхатдан ўтказиш санаси ва асоси
10	Реестрдан чиқариш санаси ва асоси
11	Изоҳ (киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисидаги маълумотлар)
12	

ДЕҲХХ органининг раҳбари

М.Ў.

(имзо)

(Ф.И.О.)